Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1995 йил 25 январь, чоршанба ● № 7 (10.683) ● Эркин нархда сотилади.

ТЕРАКЗОРЛАР КЕНГАЙСИН

Республика Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралда қабул қилган «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди. Мазкур тадбирда вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, ўрмон хўжаликлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинар-кенгашда мамлакатимиз халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч материалларига бўлган эҳтиёжини ички имкониятлардан фойдаланиб қондириш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди. Шу боис ўрмон хўжаликлари ва жойларда теракзор ва тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бироқ мазкур қарорнинг бажарилиши ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтган йили ҳар бир вилоятда 700 гектар ерга терак экиш талаб қилингани ҳолда баъзи вилоятларда бу топшириқ бажарилмагани танқид қилинди.

Тадбирда терак ўстириш ишларини тубдан яхшилаш зарурлиги, нафақат ёғочбоп, балки турли мевали дарахтларни етиштиришга ҳам катта эътибор бериш лозимлиги уқтирилди. Сўзга чиққан нотиқлар вилоят ва туманларда бу борада олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида гапирдилар. Шу соҳа муаммоларига оид фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Тошкент ўрмон хўжалигининг Туябўғиз бўлимида бўлиб, бу ерда терак етиштириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ. Ж. Ҳаққуловни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, нефть саноати комплексини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорациясининг раиси Қайим Жалилович Ҳаққулов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 январь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Рожер Маканик бошчилигидаги мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган миссияси вакиллари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

Тадбиркорлик-иқтисодиёт келажаги

ИНТИЛГАН БОРКИ, ЯХШИ ЯШАМОҚДА

БИЗ истиқомат қилаётган жамоа хўжалигини кўпчилик шаҳарга қиёс этади. Бу бежиз эмас. Худудимизга саноат дадил кириб келмоқда. Бундан икки йил аввал ихчам хонада иш бошлаган тикувчилик цехи бугун катта фирмага айланди. Аёллар, болалар устки кийимларини тўқиш цехи дастгоҳлари кўпайиб, ўзига хос фабрика қиёфасига кирди.

Яқиндан бошлаб эса Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясининг ипак фабрикасида тўқилаётган рўмоллар, сочиқлар, ип йигирув фабрикасида тайёрланаётган калавалар, газлама тўқиш цехида тайёрланаётган сурп, бўз матоларига ҳам талаб кучайди.

Хўжаликда ручка цехи, спорт кийимлари қўшма корхонаси ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз, ҳукуматимизнинг тадбиркорликка кенг йўл очганликларининг шарофатидир.

Ўзим ишлаётган пайпоқ, аёллар устки кийимларини тўқиш цехи маҳсулотларига эҳтиёж ортиб, буюртма берувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Цехда 20 нафар ишчи ишлайди. Ҳар ойда 120 минг сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишимизда цех яхши самара бераётганлиги қайд қилинди. Ишчиларнинг ўртача ойлиги 300-350 сўмни ташкил этаётир. Ўктам Ҳожиев устозлигида бундан икки йил аввал иш бошлаган 3-4 нафаргина қизлар эндиликда кўплаб дугоналарига ҳунар ўргатишда яқиндан ёрдам бераётирлар. Цехда ҳар кунги режа ортиғи билан адо этилаётир.

Яқинда бўлиб ўтган Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида ва Тошкент вилояти кенгаши сессиясида юртбошимиз кичик корхоналарни кўпайтириш зарурлиги, боқимандаликдан ҳоли бўлиш кераклигини яна бир бор қайд қилдилар.

Дарҳақиқат, кимки ҳаракат қилса, элим, юртим деб яшаса, мустақил республикамизда фаровонликнинг ошишига, ўз турмуш шароитининг яхшиланишига ҳисса қўшаверади. Буни бизнинг хўжалигимиз, цехимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

И. ФОЗИЛОВ,
Пайпоқ тўқиш цехи бошлиғи.

КЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРМАДИК

МАИШИЙ хизмат кўрсатиш корхонасини жамоа мулки қилиб олганимизга ҳам икки йил бўлди. Кўпчилик яъни меҳнат жамоамиз ўзаро келишиб, уни бир йўла сотиб олдик. Шунинг ўзи бизга мўмайгина маблағни тежаб қолиш имконини берди. Муддатсиз бир йўла ҳақини тўлаганимиз учун унинг нархини 10 фоиз арзонлаштиришди.

Биз корхонани жамоа мулки қилиб олганимизда у деярли тўхтаб қолган эди. Ишчи-хизматчиларнинг бир қисми бўшаб кетганди. Шунинг учун дастлабки ойларда анча қийналдик. Лекин, ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирмади. Хом ашё ва зарур материалларни давлат ўзи етказиб беради демадик. Изланишга, имконият қидиришга тушдик. Ҳамма бирдай ҳаракат қилди, янги шериклар, хом ашёнинг янги манбаларини топдик. Турдош корхоналар билан алоқани мустаҳкамладик. Боқимандалик қилиш кайфияти барҳам топди. Ишлар юришиб кетди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат ҳажми ошиб борди, турлари кўпайди, янги бўлинмалар очилди.

Илгари бу маиший хизмат уйида ҳозиргига қараганда анча кам ишчи-хизматчи меҳнат қиларди. Шу кунларда жамоамиз сафидагилар сони бир юз ўттиз киши атрофида. Уларни доим иш билан таъминлаш учун елиб-югуришга тўғри келмоқда. Қараб ўтириш билан ҳеч қандай иш битмайди ҳозирги вақтда. Буни республикамиз Президенти вилоятимиз Кенгаши сессиясида жуда тўғри таъкидлади. Ҳа, боқибеғамлик фақат зарар келтириши, олға қараб ривожланишимизга тўсқинлик қилиши мумкин.

Д. ҚОДИРОВ,
Олмалиқдаги «Истиқбол» фирмаси раҳбари.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ХОНДАЙЛИҚҚА ГАЗ КЕЛАДИМИ?»

Газетамизнинг 1994 йил 21 декабрь сонида шу сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда уруш фахрийлари Ф. Муратов ва Қ. Мирхалиловлар Сидқий Хондайлиқий қишлоғига газ кела бошлагани, аммо кўп ўтмай ишлар ўлда-жўлда қолиб кетгани ҳақида куюниб ёзишган. Ваҳоланки ҳали қишлоқнинг бир қанча кўчалари газсиз бўлиб, у ерда яшаётган аҳоли қишнинг совуқ кунларида қийналиб қолгани, иложи бўлса таҳририят ёрдам беришини сўрашган эди.

Мақола газетада чоп этилгач, Бўстонлиқ тумани газлаштириш идораси бошлиғи Н. Ёрматов ва С. Хондайлиқий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Инкоровлар имзоси билан хат келди. Унда шундай дейилган эди:

«Хондайлиққа газ келадими?» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан шуни маълум қиламизки, ҳақиқатан ҳам Хондайлиқ қишлоғи аҳолисини газлаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Шу кунга қадар қишлоқ кўчалари бўйлаб 11 километр газ қувурлари тортилди ва 184 хонадон табиий газдан фойдаланяпти.

1994 йил давомида 6 километр газ қувурлари тортилиб, газ берилди. Бу ишларни бажариш С. Хондайлиқий номли жамоа хўжалиги ҳисобидан бажарилди. Шу кунларда қишлоқнинг Узун кўча участкасида газлаштириш ишлари давом эттириляпти.

Яқин кунларда сабзавот маҳсулотлари ҳисобига бартер усулида труба келиши кутилмоқда. Жамоа хўжалигига труба келиши билан газлаштириш ишлари яна давом эттирилади».

Жавоб хатидан кўриниб турибдики, мазкур жамоа хўжалиги бошқаруви ва Бўстонлиқ тумани газлаштириш идораси С. Хондайлиқий қишлоғига газ келтириш ишларига жиддий эътибор бермоқдалар. Ўйлаймизки, тез кунларда қишлоқ аҳолиси газ билан тўла таъминланади.

ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1995 йил 18 январда вилоят ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида Президент девонида ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқи кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. 23-24 январь кунлари бўлиб ўтган Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида Президентнинг шу мажлисда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ишчанлик билан муҳокама этилди.

Сессияларда шаҳар ва туман ҳокимлари маърузалар билан чиқдилар. Маърузаларда ва депутатларнинг нутқларида 1994 йил иш якунлари танқидий кўз билан таҳлил этилиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларини такомиллаштириш ва халқ хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашувчи аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Сессияларда, айниқса Президентимизнинг одамларга ғамхўрлик қилиш муқаддас бурч эканлиги, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолига қулайликлар яратиш, боқимандалик кайфиятидан ҳоли бўлиш хусусидаги сўзлари шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига катта вазифалар юклаши, уларни ҳар қачонгидан ҳам масъулиятлироқ ишлашга даъват этиши қайд қилинди.

Сессияларда муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилинди.

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ ✦ ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ОЛМАЛИҚДАГИ «Тафтиш» ҳиссадорлик жамиятининг фирма дўконини шаҳарликлар ва унинг теварак-атрофида яшовчилар яхши билишади. Чунки, бу ердан рўзғор учун зарур бўлган кўпгина буюмларни сотиб олиш мумкин. Бу дўконда корхонанинг асосий маҳсулоти бўлган гиламлар ва полослар билангина савдо қилинмаяпти. Унинг пештахталарига қўйилган молларнинг тури ўттизтага яқинлашиб қолди.

Бу ўтган бир йил ичида ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини кўпайтиришда дуруст натижаларга эришганлигидан яққол далолат беради. Айниқса, тикувчилик буюмлари — плашлар, костюмлар, кўйлаклар, ички кийимлар, эркаклар, хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланган бошқа турли-туман моллар шу ерда сотиляпти. Яқинда жомакорлар, махсус кийимлар, тўшаклар, кўрпалар ҳам харидорлар ҳукмига ҳавола этила бошланди. Корхонада тайёрланаётган бундай янги маҳсулотларнинг ҳам бозори чаққон бўлаяпти.

М. ҲАМИДОВ.

БИОГУМУС ҲОСИЯТИ

ХАЛҚАРО «Экосан» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими тасарруфидаги Калифорния қизил чувалчангини кўпайтириш ва тарқатиш билан шуғулланаётган кичик корхоналар сони кўпаядиган бўлди. Янги корхона учун вилоят ҳокимлиги Янгийўл туманидаги «Озод» жамоа хўжалигидан 1,5 гектар ер майдони ажратди.

— Тупроқ таркибидаги биогумус миқдори бир ярим фоизни ташкил этмаса, ҳосил кўнгилдагидек бўлмайди, — дейди бўлим директори Абдумутал Абдуҳолиқов. — Республикамиз шароитида бир сотих экин майдонига ўртача 400 килограмм биогумус бериш лозим. Шунча миқдордаги ўғитни атиги бир неча чувалчанг ёрдамида олиш мумкин. Умуман, бу жондор халқ хўжалиги ва рўзғор чиқиндиларини яхшигина ҳазм қилиб, экологик соф озуқа — биогумусга айлантириб бера олади. Бу эса атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш билан бирга экинлар ҳосилдорлигини оширишда деҳқонларга жуда қўл келади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ШАРТНОМА ИШЛАМОҚДА

ТОШКЕНТ тумани билан пойтахтдаги Юнусобод тумани меҳнаткашлари бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалашиб олишган эди. Шунга мувофиқ Тошкент тумани юнусободликларни қишин-ёзин қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари билан баҳоли қудрат таъминлашни, юнусободликлар эса хўжаликларга фермаларни таъминлаш, техника ва бошқа воситалардан ёрдам кўрсатишлари керак эди. Ҳар икки томон бу шартномага қатъий амал қилмоқда. Буни Юнусободда ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб уюштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи ярмарка мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги кунга қадар бу бозор орқали шаҳарликларга 6 минг тонна сабзавот, 1700 тонна картошка, 200 тонна мева, 125 тонна узум, 200 тонна гўшт сотилди.

Айни қиш кунларида ҳам ярмаркада савдо-сотиқ ишлари тўхтагани йўқ. Ҳар куни 7-8 юк машинасида бозорга гўшт, сут, мева, сабзавот, консерва маҳсулотлари, иссиҳоналардан чиқаётган ноз-неъматлар етказиб турилибди. Бунда айниқса, «Ўзбекистон», Охунбобоев номли, «Ҳасанбой», Турғун Мирзаев, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Қишда ҳам ёз неъматларидан баҳраманд бўлаётган Юнусобод тумани меҳнаткашлари деҳқонларга ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.



Оққўрғонда Исроил фирмаси билан бирга барпо этилган кичик сут заводи ҳар куни истеъмолчиларга беш хил маҳсулот етказиб бермоқда. Бундай маҳсулотлар сутни қайта ишлаш асосида тайёрланмоқда.

Суратда: қўшма корхонанинг исроиллик эксперти М. Бен-Яаков (чапдан иккинчи) бир гуруҳ маҳаллий ишчи-муҳандислар билан маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Х. АВВАПОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ ✦ ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

Тошкент вилоят Кенгаши депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига 2-Кимёгар, 26-Қатортол, 36-Озодлик, 39-Гулистон, 40-Туркистон ва 17-Янги Ҳаёт сайлов округларида 1995 йил 22 январда ўтказилган такрорий сайлов натижалари юзасидан ана шу округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари бўйича тақдим этган баёнлари асосида вилоят Кенгашига қуйидаги депутатлар рўйхатга олинсин:

№	Исми-шарифи, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатликка кўрсатган сиёсий партия ва ҳокимлик вакиллик органининг номи	Иш жойи, эгаллаб турган лавозими	Яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	2	3	4	5	6	7
1.	**Аҳмедов Ҳамидулла Аҳматович**	1938	ХДП вилоят Кенгаши	Вилоят ҳудудий уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими муовини	Тошкент шаҳри	36-Озодлик
2.	**Йўлдошев Ҳасан Амирович**	1939	Халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши	«Тошкентгўшт» ҳиссадорлик жамияти раиси	Тошкент шаҳри	26-Қатортол
3.	**Муслимов Умар Ваҳобович**	1936	Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши	Вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	36-Озодлик
4.	**Соипов Раҳматхон**	1951	ХДП вилоят Кенгаши	«Пискент» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси	Пискент тумани	40-Туркистон
5.	**Турсунов Ғайрат Отабоевич**	1955	Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгаши	«Тошкентвилоятсавдо» ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концерни раиси	Тошкент шаҳри	17-Янги Ҳаёт
6.	**Тенглашев Иброҳим Тенглашевич**	1948	Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши	Ангрен шаҳар «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти директори	Ангрен шаҳри	2-Кимёгар

Вилоят сайлов комиссиясининг раиси, Н. НАСИМОВ,
Вилоят сайлов комиссиясининг котиби, К. ҚАМБАРОВА.

ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ

Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман худди ана шу мавзуга бағишланди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари вакиллари, талабалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа қатор муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманни шаҳар ҳокими Т. Анорбоев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Тошкент давлат техника дорилфунуни ректори, техника фанлари доктори, профессор Т. Миркомилов ва шу дорилфунун проректори, профессор К. Каримов «Илм-маърифатли ёшлар — шу азиз Ватанимиз келажаги» мавзуида маъруза қилдилар.

Ангрен шаҳар ёшлар иттифоқининг биринчи котиби Б. Йўлдошев шаҳар ёшларининг бугунги кунда олиб бораётган ишлари ва Ватан тараққиёти йўлидаги вазифалари хусусида гапириб берди. Талаба Д. Исоқова эса техника дорилфунуни ёшлари номидан сўз олди ва ўзларининг аъло ўқиши ва фидокорона меҳнатлари билан ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига тайёр эканликларини изҳор этди.

Анжуман сўнггида уруш даврида фронт ортида меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийларга «Шуҳрат» медали топширилди. Медалларни шаҳар ҳокими Т. Анорбоев топширди.

Шу куни мустақил республикамизнинг илк паспортлари ҳам энг муносиб кишиларга — фахрий фуқаролар ва ёшларга тантанали суратда топширилди. Биринчи паспорт Ангреннинг биринчи кўмир шахтасини очишда қатнашган ва дастлабки кўмир эшелонини Йўлдош ота Охунбобоев билан биргаликда давлатга топшириш учун вакил бўлиб борган Турғун ота Ҳасановга берилди.

З. ЭРАЛИЕВА.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Шу кунларда вилоятнинг шаҳар ва туманларида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда уруш қатнашчиларига эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатилмоқда, уларга моддий ва маънавий ёрдам берилмоқда. Ўртачирчиқ туманида бундай тадбирлар яхши йўлга қўйилган. Куни кеча 224 кишига «Шуҳрат» медали топширилди. Медалларни Ўртачирчиқ тумани ҳокимининг биринчи муовини А. Маҳмудов топширди. Ибратли ҳаёт йўллари билан ёшларга ўрнак бўлган фахрийларимизга келгуси ҳаётларида тинчлик, сиҳат-саломатлик тилади. Ўз навбатида фахрийларимиз ўзларига бўлган эътибор учун миннатдорчилик билдирдилар. Бундай хайрли тадбирлар «Дўстлик», «Юнусқалъа», «Ангор» қишлоқ кенгашларида ҳам бўлди.



Ўзбекистон металлургия заводи деганимизда кўз олдимизга эриб турган пўлат, тахта тунука ва арматуралар келади. Бу тўғри, ҳақиқатан ҳам улар корхонанинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади. Айни вақтда заводда истеъмол бозори учун ҳам маҳсулотлар, жумладан сирланган идишлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Жамоатчи сураткашимиз Э. Иброгимов олган ушбу суратларда кенг истеъмол моллари цехи ишчиларидан Гулноза Пардаева ва Юлдуз Тоҳироваларни маҳсулот сифатини текшираётганда ҳамда прокат цехи ишчиси С. Сулеймоновни иш устида кўриб турибсиз.

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ЎТМИШ ХОТИРАСИ

Тошкент вилояти республикамизда энг катта моддий, маънавий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган ҳар тарафлама ривожланган вилоят эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана шу ҳудудда яратилган барча беқиёс бойликлар шу маконда яшаган ва яшаётган ота-боболаримиз, авлодларимиз, вилоятимиз тарихини ташкил этади. Бу тарих турли-туман ташкилотларда, муассасалар ва корхоналарда мавжуд ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Унут бўлган урф-одатимиз, қадриятимиз, анъаналаримиз, маданиятимиз, умуман минг йилларга тенг тарихимизни тиклаш, уни бор бўй-басти билан, бўёқларсиз бузмасдан, рўйи-рост яратиш имконияти фақат республикамиз мустақилликка эришгач юзага келди.

Давлат архиви мухофизхоналарида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сақланаётган ҳужжатларни варақламасдан, уларни синчиклаб ўрганмасдан туриб тарихимизнинг у ёки бу жабҳасини одилона ёритиб бўлмайди.

Демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этилаётган ҳозирги пайтда республикамиз Президенти ҳамда, республика Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарори ҳамда «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги каби фармон ва қарорлари биз архив ходимлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга ва бизга жуда катта масъулият юклайди.

Тошкент вилоят ҳокимлиги Архив бўлими Тошкент давлат архиви идораси билан биргаликда ана шу юқорида зикр этилган фармонлар ва қарорларни бажаришга қаратилган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва уларни бажариш борасида иш олиб борилмоқда.

Айниқса фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлашга қаратилган ҳужжатлар катта аҳамиятга молик эканлиги, республикамиздаги барча ижодий кучларнинг фаолияти учун амалий дастур вазифасини ўтагандек, биз — вилоят архив ходимлари учун ҳам ушбу фармон худди ана шундай вазифани ўташига шубҳа йўқ. Зеро Ватанимиз мустақиллигининг тўртинчи йилга қадам қўяётган бир даврда тарихга, кўзга кўринган, халқ ардоғига сазовор бўлган кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятига, унут бўлган номларни тиклашга интилиш, ярим асрга яқинлашаётган ўша даҳшатли куч билан олишув иштирокчиларига қизиқиш ҳамон ортиб бораётганлиги аён. Шу боис ёшларни ўз ватанига муҳаббат ва миллатлараро дўстлик рухида тарбиялашда уруш йилларини акс эттирувчи тарихий — архив ҳужжатларидан кенг кўламда фойдаланиш зарур.

Ана шу мавзуларни имкон доирасида ёритиш, оммага ҳужжатлар тўғрисида маълумот бериш мақсадида вилоят давлат архиви матбуот саҳифаларида у ёки бу ҳужжатни эълон қилиш, ҳужжатлар кўргазмасини ташкил этишни режалаштирган.

Тошкент давлат архиви ва унинг Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Қибрай, Чирчиқ, Янгийўл шўъбалари мухофизхоналарида ярим миллиондан ортиқ йиғма жилд сақланмоқдаки, булар пойтахт вилоятимиз тарихига оид жуда бой, ранг-баранг ноёб ҳужжатларни ташкил этади. Бундан ташқари 6 та шўъбада 10 мингдан ортиқ расм-сурат ҳужжатлари сақланмоқда. Буларнинг барчаси халқимизга, ижтимоийсиёсий ва гуманитар фанларнинг ривожига катта ёрдам беради.

Тошкент вилоят давлат архиви ва унинг шўъбалари йилига юридик ва жисмоний шахсларнинг минглаб мавзули, консуллик сўровларини ижро этадилар. Вилоятда ушбу шўъбалардан ташқари яна 16 та хўжалик ҳисобидаги шахсий таркибдаги, туман, шаҳар архивлари мавжуд бўлиб, уларнинг ихтиёрида юз минглаб фуқароларнинг меҳнат фаолиятини тасдиқловчи шахсий делолар, буйруқлар, ойлик маошларини кўрсатувчи қайдномалар сақланмоқда. Ҳар йили минглаб фуқаролардан меҳнат фаолиятини у ёки бу даражадаги тақдирлаш ҳужжатларини тасдиқловчи маълумотнома сўровлари келиб тушади.

Маълум миқдорда қачонлардир вилоятимизда яшаб меҳнат қилган, ҳозирги пайтда тақдир тақозоси билан хорижда яшаётган шахслардан ҳам кўплаб сўровлар олиниб, уларга ўз вақтида, малакали жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Архив бўлими, давлат архиви ва унинг шўъбаларига давр талаби даражасида фаолият кўрсатишида Тошкент вилояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши, кўмаги самарали бўлмоқда. Шунингдек, нашриёт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжаллаб ёзилган «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг II қисмини ҳам ўз эгаларига етказиб берди.

Бундан ташқари, бир қатор шоирлар ҳамда адибларнинг китоблари чоп этилди. Нашриёт янги йилда ҳам ўзининг аниқ режаларини белгилаб олган. Бу ерда мумтоз адабиётимиз, ўтмиш меросимиз дурдоналаридан намуналарни чиқариш мўлжаллаб қўйилганки, улар маънавиятимизни бойитишга салмоқли ҳисса қўшади.

Ш. ОБИДОВА.

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ

Мустақиллик йиллари ичида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти ўз фаолиятини бой маданий меросимизга оид адабиётлар, илмий тўпламлар, рисолаларни чоп этишга қаратди. Хусусан, ўтган йили «Улуғбек йили» деб аталиши муносабати билан алломанинг 60 босма табоқдан иборат йирик асари нашрдан чиқди. Шунингдек, нашриётда Ас-Саид, Ас-Самарқандийнинг «Жонзотларнинг тиббий хосиятлари» номли 6 босма табоқдан иборат рисоласи 50 минг нусхада чоп этилди.

Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний араб, форс, турк ва озарбайжон тилларидан таржима қилган «Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони» тўпламни босмадан чиқди. Шунингдек, нашриёт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжаллаб ёзилган «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг II қисмини ҳам ўз эгаларига етказиб берди.

Бундан ташқари, бир қатор шоирлар ҳамда адибларнинг китоблари чоп этилди. Нашриёт янги йилда ҳам ўзининг аниқ режаларини белгилаб олган. Бу ерда мумтоз адабиётимиз, ўтмиш меросимиз дурдоналаридан намуналарни чиқариш мўлжаллаб қўйилганки, улар маънавиятимизни бойитишга салмоқли ҳисса қўшади.

Ш. ОБИДОВА.

БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАСИЗ?

МАЪЛУМКИ, 1994 йилнинг 14 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдириш — мазкур қарорнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Унда мутасадди идоралар, ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар зиммасига аҳолини кундалик маҳсулотлар билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаб туриш, ун, шакар, ўсимлик ёғи, хўжалик совуни сингари товарларнинг савдода доимий бўлишини назоратга олиш вазифалари юклатилган эди.

Орадан бир ойдан ошиқроқ вақт ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори қандай ижро этилмоқда? Кўзланган мақсадларга эришилдими? Жойлардаги савдо корхоналарида аҳвол қандай?

ТААССУФ билан қайд этиш керакки, бу муҳим қарорнинг жойларда ижро этилиши кишини қувонтирмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида ҳамда 18 январь куни Президент ҳузурида ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқларида ҳам мавжуд аҳвол кескин танқид қилинди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди. Президент ҳузурида бўлган мажлисда «...Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Бунинг сабаби шундаки, кўплаб ҳокимлар боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам халос бўлолгани йўқ. Ҳамма республика ҳукумати таъминлайдиган — марказлашган манбаларга кўз тикиб ўтирибди. Бизнинг бугунги энг катта душманимиз — боқимандалик. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзида етиштиришга, камини ўз йўли билан четдан олиб келишда етарли ҳаракат йўқ», — деди юртбошимиз. Бу гаплар бизнинг вилоятимизга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Тошкент вилоят ҳокимлиги ва вилоят солиқ бошқармаси ташаббуси билан тизилмага тегишли жойлардаги идоралар биргаликда юқорида айтиб ўтилган қарорнинг қандай ижро этилаётгани билан қизиқдилар. 10 январдан 16 январгача бўлган даврда ўтказилган текширишлар шаҳар ва туманларда аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қониқарсиз эканлигини кўрсатди. Савдо дўконлари кундалик эҳтиёж учун зарур, доимий бўлиши белгилаб қўйилган товарлар билан тўлиқ таъминланмаган, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданияти паст. Бу ишга масъул бўлган кишиларнинг ҳамон лоқайдлик, боқимандалик, жон қойитмаслик иллатларидан ҳали бўлмаганлиги яққол кўзга ташланди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Олмалиқдаги савдо дўконлари фаолиятини кўздан кечирган одам таажжубланмай иложи йўқ. Бу ердаги дўконларни асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан таъминлашга умуман эътибор берилмаган деса бўлади. 10 та дўконда ўсимлик ёғи, 15 тасида туз, 6 тасида макарон маҳсулотлари, 6 тасида чой, 2 дўконда ун, учтасида гугурт, 23 тасида совун йўқлиги маълум бўлди. Қаранг, А. Юсупбоева мудирлик қилаётган 14-сонли дўконда текширув куни доим бўлиши шарт бўлган товарларнинг кўпчилигидан ном-нишон топилмади. Саккиз хил товардан атиги 15 килограмм макарон маҳсулоти ва 50 дона хўжалик совуни бор эди. Қолган маҳсулотлар анқонинг уруғи. Сотувчилар «олма пиш, оғзимга туш» — деб, пашша қўриб ўтиришибди. Бирон ердан маҳсулот топиб келишни, одамлар дардига шерик бўлишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Уларнинг боқимандалик кайфияти шундай эди: «Берсанг сотаман, бермасанг йўқ».

Устига-устак шаҳарда савдога бевосита жавобгар шахс — «Олмалиқсавдо» ҳиссадорлик жамияти директори Р. Бердиқуловнинг ҳатти-ҳаракати одамни хайрон қолдиради. Унинг берган расмий маълумотига кўра барча дўконларга масъул кишилар биркитилган, кундалик зарур озиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш жойида, барча дўконларда ўсимлик ёғи, ун, қанд-шакар, совун бор. «Тошкентвилоятсавдо» концерни томонидан январь ойи учун 105 тонна шакар, 60 тонна ўсимлик ёғи, 430 тонна ун, 30 тонна макарон маҳсулотлари, 27 тонна совун ажратилган. Буларнинг анча қисми шаҳарга келтирилган. Хўш, башарти шундай бўлса, нега дўконларда айтилган маҳсулотлар йўқ?! Нима, бундай маълумот бериш, алдашми? Р. Бердиқулов қоғоз ҳамма нарсага чидайверади, деб ўйласа керакда.

Қарор ва ижро

Ангрен шаҳрида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Текширилган 41 дўконнинг 12 тасида ўсимлик ёғи, 9 тасида қанд-шакар, 3 тасида макарон маҳсулотлари, 13 тасида туз, 37 тасида хўжалик совуни, 41 тасида гугурт умуман йўқлиги аниқланди. Суҳбатга тортилган ҳаридорлар сўнгги уч-тўрт ой учун ўсимлик ёғи, совун ололмаганликларини зорланиб гапирдилар.

Қўйичирчиқ тумани матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли 30 та дўкон текширилганда ҳам нохуш фактларга дуч келинди. Дўконлардан 9 тасида ун, 11 тасида макарон, 16 тасида ўсимлик ёғи, 9 тасида шакар, 11 тасида туз, 16 тасида гугурт йўқ эканлиги аниқланди.

Ваҳоланки, ушбу уюшмага қарашли омборхонага келтирилган товарлар ноаниқ сабабларга кўра савдога чиқарилмаган. Жумладан, 1994 йил декабрь ойи учун олинган 16 килограмм чой, 238 килограмм шакар, 400 килограмм туз босиб қўйилган эди. Устига-устак 5822 килограмм хўжалик совунидан бор-йўғи 175 килограмми тарқатилиб, қолган 5,6 тоннаси омборхонада сақланмоқда эди.

Қибрай тумани матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли савдо дўконларида ҳам кундалик эҳтиёж учун керакли маҳсулотлар таъминоти яхши эмас. Ўсимлик ёғи, қанд-шакар, туз, совун сингари маҳсулотларда тез-тез узилишлар бўлиб турибди. Туманнинг 86 дўконида ана шундай ачинарли аҳволга дуч келинди. Савол туғилади: бу туманда аҳолини зарур озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун мутасадди бўлган раҳбарлар қаёққа қарамоқдалар? Ёки улар фақат ўзларини ўйлаш билан бандмилар?!

Вилоятнинг Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Зангиота, Юқоричирчиқ, Тошкент, Оққўрғон каби туманларида ҳам юқоридаги сингари камчиликлар борлиги аниқланди.

Хулосага келадиган бўлсак, вилоят бўйича солиқ идоралари томонидан текширилган 869 та савдо корхонасининг 51 тасида ун, 228 тасида макарон, 336 тасида ўсимлик ёғи, 177 тасида қанд-шакар, 447 тасида хўжалик совуни, 417 тасида гугурт йўқлигини қандай баҳолаш мумкин? «Тошкентвилоятсавдо» концерни, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси, шаҳар ва туманлардаги мутасадди раҳбарлар қаёққа қарамоқдалар? Назаримизда улар ҳамон боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўлолмаётган, ҳукуматнинг марказлашган манбаларига кўз тикиб ўтиришганга ўхшайди.

Бугунги талаб битта. Президентимиз таъкидлаганидек, «...Муҳими, ҳар бир дўконда бўлиши белгилаб қўйилган ун, ёғ, шакар, чой каби саккиз турдаги маҳсулот доимо турсин. Токи одамлар ишонч билан хотиржам яшасинлар».

Дарҳақиқат, аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун шаҳар ва туманларда ички имкониятлар бор. Фақат бу ишга мутасадди кишилардан жон қойитиб ишлаш, одамлар тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш талаб этилади, холос. Ўйлаймизки, юқорида айтилган гаплардан тўғри хулоса чиқарилиб, жойларда амалий ишга киришилади.

ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.



ОЛАМДА НИМА ГАП?

ЭРТАГА ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИГА 45 ЙИЛ ТЎЛАДИ

ДЎСТЛИК ҚУЁШИ АБАДИЙ

ҚИШ чилласининг изғиринли кунларидан бирида тахририят топшириғи билан Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасига кириб бордим. Тилмоч Азизжон каминани Ҳиндистон элчихонаси маданий марказининг директори доктор Винод Бхатиа билан таништириди. Винод жаноблари очиқ чеҳра, самимий инсон экан. Унга мақсадимни айтдим. Гоҳ ҳинд, гоҳ рус тилида бемалол гаплашиб кетдик. Вилоят рўзномасидан келганимни билиб мезбоннинг қулфу-дили очилиб кетди. Худди эски қадрдонлардек гапимиз қовушиб, дилдан суҳбат қурдик.

— Дўст ҳинд халқининг улуғ байрами — Республика куни эълон қилинганига оз фурсат қолди. Яқинлашиб келаётган катта байрам ва шодиёна билан сизни дил-дилдан табриклайман. Бу тарихий воқеага ҳам мана қирқ беш йил бўлибди.

— Табригингиз учун раҳмат. Бу миллий байрам барча ҳиндистонликлар учун азиз ва ардоқлидир. У бутун мамлакат ҳудудида кенг нишонланади. 1947 йилда мустақилликка эришганимиздан кейин орадан кўп ўтмай, 1949 йил 26 ноябрда қабул қилинган конституцияга мувофиқ Ҳиндистон Республика деб эълон қилинди. Конституция 1950 йил 26 январдан кучга кирди. Шу тарихий сана давлат байрами — республика куни деб эълон қилинган.

Биз мустақилликни инглиз мустамлакачиларига қарши икки юз йиллик оғир ва мардона кураш натижасида қўлга киритганмиз. Сарчашмаларида Б. Г. Тилак, С. К. Бос, М. Ганди, Ж. Неру турган миллий озодлик ҳаракати ҳинд халқини ғалабага олиб келди. 1947 йилнинг 15 августида ҳинд халқининг буюк фарзанди, биринчи Бош вазиримиз, Ҳиндистон миллий конгрессининг сардори Жавоҳарлал Неру Деҳлидаги Қизил форт узра миллий байроғимизни кўтарган эди. Ўша тарихий кунда Неру ҳадемай тарихда ноёб, эскилик билан хайрлашиб, янгилик сари қадам босадиган дақиқалар бошланади, мана шу тантанали ва шукуҳли соатда Ҳиндистон ва унинг халқи учун, булардан ҳам муҳимроғи бутун инсоният манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилмоғимиз лозим, — деган эди. Ўша унутилмас тонготарда халқимиз тақдирини ўз қўлига олиб, она заминга мустаҳкам туриб, янгича ҳаёт қуришга, ҳеч кимга қарам бўлмасликка, дунёдаги барча халқлар билан ҳамкорлик қилишга, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга енг шимариб киришди.

Осиё қитъасидаги буюк давлат мустақилликка эришиб, салкам ярим аср давомида қашшоқликдан қутилиб, жаҳондаги ривожланган 10 та давлат сафидан муносиб ўрин эгаллади. Унинг дунёдаги халқлар ўртасидаги обрў-эътибори беқиёс ошди.

— Бизнинг дўстлик, иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ алоқаларимиз узоқ мозийга бориб тақалади. Шарқни ғарб билан боғловчи Турон худудидан ўтувчи буюк ипак йўлида ҳинд карвонсаройлари бўлган. Ҳинд газламалари ва нафис буюмлари бизнинг бозорларимизда харидоргир бўлган. Жаҳонгир Амир Темурнинг қадами ҳинд тупроғига ҳам бориб етган. Ватандошимиз Бобур асос солган салтанат Ҳиндистонда 200 йил ҳукмронлик қилган. Ҳинд-ўзбек алоқалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Тўғри айтдингиз, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар азалийдир. Ҳиндистонда айниқса Бобурийлар сулоласига буюк эҳтиром билан қарашади. Ўша даврда Ҳиндистонда иқтисодиёт, деҳқончилик, меъморчилик санъати, давлатчилик тизими юксак даражага кўтарилгани ҳеч кимга сир эмас. Аграрадаги дунёнинг етти мўъжизасидан бири Тожмаҳал Бобурийлар кучқудрати, ақл-заковатининг буюк тимсоли сифатида дунё халқларини лол қолдириб келаяпти. Афсуски, кейинги бир неча ўн йилликлар давомида биз инглиз мустамлакачилигига, совет тоталитар тузуми исканжасида қолиб барча соҳадаги алоқаларимиз узилиб қолган эди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда Ж. Неру катта ташаббус кўрсатди, у 1956 йилда собиқ шўролар иттифоқига расмий давлат ташрифи билан келган эди. Ана шу ташриф чоғида у қизи Индира Ганди билан Ўзбекистонда ҳам бўлган, ўзбек халқининг ҳаёти билан яқиндан танишишга муяссар бўлган эди. Сизнинг юртдошларингиз бу сафарни, ундан бироз илгари Ўзбекистонда ўтган ҳинд кинофильмлари фестивали, ҳинд киноижодкорлари билан учрашувларни ҳамон катта ҳаяжон билан эслашади. Нерудан кейин унинг ворислари ва сафдошлари ҳам ҳинд ва шўро, жумладан ўзбек халқи билан дўстлик алоқаларини, турли соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор бердилар. Биз 1966 йилда Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг музокаралари муваффақиятли якунланиб, шу заминда имзоланган Тошкент декларацияси Ҳиндистон ярим оролига тинчлик келтирганини ҳеч қачон унутмаймиз.

Ҳиндистонда мустақил Ўзбекистонга, унинг меҳнатсевар халқи ҳаётига, унинг урф-одатлари, маданиятига қизиқиш, бениҳоя катта. Ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган тадбирлар, мутахассислар, талабалар айирбошлаш, туризмни, турли борди-келдиларни йўлга қўйиш, китоблар, ойномалар нашр этиш, ҳамкорликда фильмлар яратиш буларнинг ҳаммаси дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Ҳиндистон билан Ўзбекистон, ҳинд халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги ҳозирги алоқаларни қандай баҳолайсиз, бу алоқаларнинг истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти муҳтарам И. Каримовнинг 1991 йил август ойида Ҳиндистонга илк сафари ҳаммаси ёдида бўлса керак. Бу ташриф Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтарди. Ташриф чоғида имзоланган иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлардан муштарийлар яхшигина хабардор. Ўша тарихий сафардан кейин икки ҳафта ўтар-ўтмай Ўзбекистон парламентида Президент И. Каримов мамлакат мустақиллигини тантанали вазиятда эълон қилди. Юртингиз узра истиқлол қуёши ёғду соча бошлади. 1993 йил кўкламида Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Тошкент билан танишди. Кўҳна Хоразмга сафар қилди. Бош вазиримиз Ўзбекистонга ташрифидан чуқур қониқиш ва мамнунлик изҳор этди. Бир йил муқаддам Президент И. Каримов иккинчи марта Ҳиндистонда бўлди. Деҳли шаҳрида давлат бошлиғи сифатида унга юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилди. Азиз меҳмоннинг Ҳиндистон Президенти ва Бош вазири билан самимий учрашув ва мулоқотлари бўлиб ўтди. Ҳиндистон Президенти Ш. Д. Шарма Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бошқа Марказий Осиё жумҳуриятлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очади деб умид билдирди. Ҳиндистон билан Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари жуда яхши ривожланяпти. Маориф, туризм, олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик ажойиб натижаларни беряпти. «Махобхорат» кўп қисмли видеофильми Ўзбекистон телевидениеси орқали муваффақият билан намойиш этилди. У ўзбек халқининг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Бултур август ойидан бошлаб «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувларини Ўзбекистон телевидениеси орқали мунтазам намойиш қилиш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда шу кеча кундузда ўнлаб ўзбек-ҳинд корхоналари ишлаб турибди. Тошкент, Самарқанд ва Бухорода Ҳиндистоннинг ёрдами билан йирик замонавий меҳмонхоналар барпо этиляпти. Тошкент—Деҳли ҳаво йўли икки ўртадаги масофани ниҳоятда яқинлаштирди.

Икки давлат ўртасидаги турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ўнлаб битимлар амалга оширилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада юксак босқичга кўтарилишига аминман. Бу алоқаларнинг истиқболи катта. Улар ўзаро манфаатли ва тўла тенгликка асосланади. Ҳар иккала томон ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга сидқидилдан ёндошмоқда.

— «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси муштарийларига қандай истакларингиз бор?

— Мен Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида масъул вазифани бажаришга киришганимга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ ҳар куни ўзбек халқининг ҳинд халқига бўлган буюк муҳаббати, иззат-ҳурматининг гувоҳи бўлиб турибман. Бу менга куч-қувват, илҳом бағишлайди. Дўстлик қуёши абадийдир.

«Тошкент ҳақиқати»нинг азиз муштарийлари, ишда ва ўқишда сизларга муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, фаровонлик тилайман. Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга улуш қўшасиз деб умид қиламан.

— Мазмунли суҳбатингиз, эзгу-тилакларингиз учун ташаккур. Саодатли кунларда дийдор кўришайлик. Ўзбекистондаги фаолиятингиз самарали бўлсин, ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Суҳбатни Анвар КАРИМОВ олиб борди.



Суратда: Ҳиндистон элчихонаси маданий марказининг директори доктор Винад Бхатиа.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ УРУШ: РАҚАМЛАР ВА ДАЛИЛЛАР

Россия президенти Ельцин Чеченистонда конституциявий тартибни тиклаш учун олиб борилган кураш муваффақиятли якунланди, — деб айтди. Россия ахборот маҳкамалари 6 ҳафталик ҳарбий ҳаракатлар давомида Чеченистонда камида 1200 россиялик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлганлигини маълум қилдилар. Чеченистон жангарилари ва фуқаро аҳоли ўртасида кўрилган талофот қанчалиги номаълумдир.

Чеченистондаги вайронагарчиликни тиклаш учун биринчи галдаги ишларга 2,7 триллион рубл миқдорида маблағ керак бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Россия ҳукуматининг бу тахминини кўпгина мутахассислар инкор этиб, у реалликдан жуда узоқ деб баҳоламоқдалар. Грознийни қайтадан тиклаш учун камида 15-20 триллион рубл керак бўлса ажаб эмас.

АРМАНИСТОН

Шанба куни эрталаб Грузия худудидаги газ қувури портлаши натижасида Арманистонни газ билан таъминлаш тўхтаб қолган эди. Газ қувурининг вақтинчалик тармоғи ишга тушириди.

ҚОЗОҒИСТОН

1994 йили Қозоғистонга АҚШ экспортининг умумий ҳажми 1993 йилдагига нисбатан деярли икки баравар ортди ва 150 миллион доллардан зиёдроқ бўлди. Мамлакатда 61 давлат билан 1400 та қўшма корхона ташкил қилинган, улардан 120 таси АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШ

Шу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил қилинганлигининг 50 йиллигига нишонланади. 1945 йил 26 июнда вужудга келган бу жаҳон ташкилоти юбилейига бағишлаб Сан-Францискода тантаналар бўлади. 22-24 октябрда эса Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус юбилей сессияси бўлиб ўтади.

АҚШнинг отиб ўлдирилган президенти Жон Кеннединнинг онаси Роуз Кеннеди ўзи яшаётган Массачусетс штатидаги уйида 104 ёшида вафот этди. Р. Кеннеди Америкانинг энг етакчи сиёсий оилаларидан бирининг онахони эди.

(Жаҳон матбуоти хабарларидан).

• БУ ҲАҚДА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

БИЗ ҚАНДАЙ ХАТОЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙДИК?

Вилоятимиз катта салоҳиятга эга бўлиб, саноат, қурилиш, деҳқончилик, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва бошқа соҳаларда яхши мавқега эга эди. Лекин, кейинги йилларда вилоятимиз халқ хўжалигининг тармоқларида кўрсаткичлар анча пасайиб кетди. Агар ҳақига кўчадиган бўлсак, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ночор бўлиб қолди. Уч йилдан буён пахта режаси бажарилмай қоляпти. Ўтган мавсумда ғалла ҳосилдорлиги ҳам пасайди. Сабзавотчилик соҳасида ҳам ишлар кўнгилдагидек бўлмади. Чорвачиликда эса оғир ва мураккаб аҳволга дуч келяпмиз. Хўш, нега шундай? Ахир вилоятимизда меҳнаткаш, билимдон, тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган, қолаверса, етти ўлчаб бир кесадиган деҳқонлар, тадбиркор кадрлар бор-ку! Қани улар? Нима билан машғул бўлишяпти? Ўзи нима гап? Нега вилоятимиз мавқеини бериб қўйди?

Тўғри, бозор иқтисодининг таъсири бор, албатта. Лекин, бу баҳона бўлолмайди. Бу кўпчиликка келган тўй-ку! Ёки мустақилликка ўтганимиздан сўнг ўзаро алоқаларнинг узилиб қолганлиги сабабми? Бироқ, орадан уч йил вақт ўтди. Изланувчан, тадбиркор раҳбарлар ўз фаолиятларини, ўз ишларини, услубларини янгичасига ташкил этиб, иқтисодий бухрондан чиқиш йўлларини қидириб топмоқдалар-ку. Бундай жамоалар ҳар йили, ҳар қандай шароитда ҳам вазиятни тўғри баҳолаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, шу жумладан, пахта етиштириш ва давлатга сотиш режаларини уддаламоқдалар. Нега улар бугунги кунда озчиликни ташкил этади? Нима учун вилоят пахтачилигида аввалги шуҳратни тиклаб олиш ғоят қийин кечяпти?

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида республикамиз Президенти томонидан қўйилган ана шу вазифалар, масалалар, кўрсатилган камчиликлардан келиб чиқиб, мухбиримиз вилоят Деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Р. НУРМАТОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.



Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва бу соҳада мавқеимизни тиклаш учун нималар қилишимиз керак?

_ Раҳим Нурматович, модомики гапни энг аввало пахтачилигимиздаги аҳвол ҳақида бошламоқчи эканмиз, бир нарсага ойдинлик киритиш керак, деб ўйлайман. Мен бир нарсага ҳайрон қоламан. Ҳар йили йиғим-терим бошланиши арафасида бўладиган катта-кичик йиғинларда «Бу йил пахтамизга яхши ишлов берилди, ҳар гектар ерда мўлжалдаги кўчатни сақлаб қололдик, далаларимизда режанигина эмас, ҳатто, ўтган йилги қарзни ҳам узиш имкониятини берадиган, мажбуриятни ҳам бажаришни таъминлайдиган ҳосил етиштирилди, энди ҳамма гап уни йиғиб-териб олишда қолди, дейилган гаплар айтилади. Лекин, минг афсуски, йиғим-терим якунланаётганда бу гаплар, бу тахминлар бутунлай нотўғри бўлиб чиқади. Ноябрь бошланмасдан далада ҳосилнинг баракаси учади. Зўр бериб ҳаракат қилишимизга қарамай, хирмон тўлмайди, режа бажарилмайди. Бунинг сабаби нимада?..

_ Ҳақ гапни айтдингиз. Вилоятимизнинг мутахассиси сифатида бундай янглишмовчиликда, бундай нотўғри ахборот берилишида менинг ҳам айбим бор, деб ўйлайман. Мен ҳам йиғим-терим олди йиғилишларида сўзга чиққанимда кўп марта даладаги ҳосил бемалол режани бажаришни таъминлайди, деб мажлис аҳлини, мутасаддиларни ишонтирганман.

_ У ҳолда нимага асосланиб, шундай хулосага келгансизлар? Буни қандай тушуниш керак? Ахир бир йил янглишиш мумкин, икки йил янглишиш мумкин...

_ Нима десам экан, хомсут эмган бандамизда. Эҳтимол, ўзимизга, малакамизга, кўп йиллик орттирган тажрибамизга ортиқча баҳо бериб юборгандирмиз. Эҳтимол, соддалигимиз, ишонувчанлигимиз панд бергандир. Нима бўлганда ҳам кўп ҳолларда ўзимизни ўзимиз алдаб келганлигимиз маълум бўлиб қолди бугунги кунда. Биз мутасаддилар, мутахассислар бу ҳақда қайта-қайта ўйлаб, мушоҳада қилдик. Тунов кунги бўлиб ўтган вилоят сессиясида Президентимиз томонидан билдирилган ҳаққоний танқидий мулоҳазаларнинг таг-заминини ўйлаб кўриб, «дўппини олиб қўйиб», нима учун режа бажарилмаётганлиги, қайси соҳаларда, қайси масалаларда хатога йўл қўйганлигимизни, мавсум якунларини ўзимизча таҳлил қилиб, айрим хулосаларга келдик...

_ Қани эшитайликчи.

_ Деҳқонларимиз яхши билишади. Пахтадан мўл, эртанги, сифатли ҳосил етиштириш учун тўрт иқлимий омил зарур: ёруғлик, иссиқлик, сув, озуқа.

_ Аввалги йилларни қўятурайлик. Ўтган йили бу омилларнинг ҳаммаси етарли бўлди-ку? Табиатдан нолишга асло ўрин қолмади-ку? Чигитни вақтида экиб олдик. Куз ҳам роса қўйиб берди...

_ Ҳа, баракалла. Кўчат ҳам етарли эди. Ҳар йилдагидек хом чўт қилиб режани, албатта, бажаришимизга ишончимиз комил эди. Афсус, октябрь ойининг охирларига келибоқ, далада ҳосилнинг таги кўриниб қолди.

_ Хўш, иллат нимада?

_ Асосий иллат ҳар биримиз оддий ҳақиқатга амал қилмай қўйганимиздадир. «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган халқимизнинг мақоли бор. Афсуски, йиғим-терим чўзилиб кетиб, ҳар йили ҳам шудгорлашни тугалламаслик одат тусига кириб қолди. Бу ҳеч биримизни ташвишлантирмади. Оқибатда каттагина майдонларга эрта баҳорда шоша-пиша ҳайдаб, чигит экилди. Табиийки, бундай майдонларда кўчат ҳам, кўсак ҳам биз кутгандек бўлмади.

Иккинчидан, биз мутахассислар ҳар доим ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни узоғи билан 10 июлгача тугаллашни тавсия қиламиз. Лекин, ўзимизга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўғитни ўз вақтида ғамлаб олмаганлигимиз ёки лоқайдлигу масъулиятсизлигимиз туфайли бу муҳим тадбирни июлнинг иккинчи ўн кунлигигача чўзиб юборамиз. Бунда кўсакларнинг сони кўпайиб, салмоғи ошади-ю, лекин, бу кўсаклар ўз вақтида етилиб, очилмай қолади. Натижада даладан қут-барака кўтарилади.

Биласиз, бир неча йилдан буён эртанги ҳосил етиштириш масаласи кўндаланг қилиб қўйилмоқда. Бу табиий. Чунки, об-ҳаво шароитининг ўзгариб бораётганлиги ана шуни тақозо этади. Лекин, биз бунга эриша олмаяпмиз. Ахир бундан 8-10 йил илгари вилоятда ғўза ўсуви даврида унга 3,5-4 марта сув қуйиларди. Бу кифоя бўларди. Лекин, кузатувлар шундан далолат беряптики, кейинги вақтларда айрим хўжаликларда июнь ойининг 20-кунига қадар ҳам ғўза сув талаб бўлмаяпти. Бунинг сабаби шундаки, ерларнинг мелиорация ҳолати ёмонлашиб кетган. Ўша далаларда сизот сувлари ер юзига яқинлашиб қолган. Ғўза ана шу сизот сувларидан чанқовини қондиряпти. Ахир бу сувнинг турганбитгани заҳар-ку. Бу сув ҳеч вақт турли озуқалар билан бойиб, оқиб келадиган ариқ сувининг ўрнини босолмайди. Демак, бундан чиқадиган хулоса шуки, бир вақтлардагидек зовур ва коллекторларни тозалашга эътибор бермай қўйдик. Оқава сувлари чиқиб кетадиган йўлларнинг кўзи бекилиб қолган. Бу, айниқса, Бекобод, Бўка, Пискент туманлари хўжаликлари ҳосилига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Айтиб ўтилган хато ва камчиликлар ёнига ғўза баргини тўктириш, машиналарни қачон ва қай маҳалда ишга тушириш, теримни ташкил этиш, ишчи кучларини жалб этиш, далада меҳнат қилаётганларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, уларга ўз вақтида ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган, ўзимизнинг ношудлигимиз, юқоридан билиб-билмай бериладиган кўр-кўрона топшириқларга амал қилишимиз сабабли хатоларнинг чуқурлашиши билан боғлиқ сабабларни қўшадиган бўлсак, мен ўйлайманки, масала бир қатор ойдинлашган бўлади.

_ Бу гапларингиз тўғри. Бироқ ҳосилдорликнинг пасайиб кетишида уруғликни, навларни баҳона қилганлар ҳам йўқ эмас. Қолаверса, ҳозирги пахтанинг негадир илгариги пахталарга ўхшаб ғози йўқ, тарози босмайди деган гапларни ҳам тез-тез эшитиб турамиз.

_ Аслини оладиган бўлсак, навга айб қўйиш инсофдан эмас. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деган гап бор. Афсуски, айрим обрўли хўжалик раҳбарлари таниш-билиш қилиб, ўзларича қаердандир бизнинг шароитимизда синаб кўрилмаган навларнинг уруғини олиб келиб экишади. Бироқ, бундайлар қанча уринишмасин, яхши ҳосил ололмайдилар. Буни тадбиркорлик деб бўладими? Халқнинг ризқи-рўзи билан шунақа «ҳазил» қилиш керакми? Энди тарози босмайди, деган гапга келайлик. Деҳқонларимиз яхши билишади. Пахтанинг 60 фоизини унинг чигити ташкил этади. Демак, пахта тарози босиш учун чигити тўқ бўлиши керак. Бунинг учун эса ғўза парвариши даврида экинга бериладиган фосфор деймизми, азот деймизми, бошқа ўғитларнинг нисбати тўғри бўлиши лозим. Маҳаллий ўғитдан рисоладагидек фойдаланилиши шарт. Ана шунда пахта бўлали бўлиб ўсади, тарози босади. Афсуски, бизда ғўза парвариши соҳасида бу масалага етарли эътибор берилмай қўйилди.

Вилоятимизда экилаётган навларнинг қандайлиги, уларга баҳо бериш, афзаллиги ҳақида фикр юритиш учун бизда асос бор. Чунки, вилоятимизда жойлашган нав синаш давлат комиссиясининг ўтган йилги иш якунлари билан танишамиз. Биз бу йил ҳам каттагина майдонларда пахтанинг «65-24», «Наманган-77» навларини экиш маъқул деган, хулосага келдик. Шу билан бирга истиқболли ҳисобланган С-65-32 навидан ҳам камида минг гектар ерга экилади. Ҳамма гап, қайси нав экилмасин, унинг агротехникасини мукаммал ўзлаштириб олишдадир. Чунки бусиз у навдан кутилган ҳосилни олиш мумкин эмас. Афсуски, айримлар далаларига экилган навнинг агротехникасини амалга оширишда хатоликка, лоқайдликка йўл қўйишиб, ўзларидан ўпкаламай, айбни навдан қидирмоқчи бўладилар.

_ Назаримда вилоятимизда пахта режасининг бажарилмай қолганлиги сабабларини оз бўлсада билиб олгандек бўлдик. Агар мумкин бўлса, буни энди айрим туманлар мисолида ҳам таҳлил қилиб бермсангиз?

_ Бекобод тумани ҳақида ўзларингиз катта танқидий мақола бердингиз. Адолатли танқид бўлди. Унда ҳамма гаплар тўғри айтилган. Мен бунга қўшимча қилишим мумкин. Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, Бекободда чигит экиш ҳам, кўчат олиш ҳам рисоладагидек бўлди. Дастлабки пайтларда бу туман пахтазорларини айланиб, ниҳоллари кўрган кишининг ҳақиқатан ҳам ҳаваси келарди. Лекин, апрель ойи охирларида ҳаво бир неча кун қурғоқ келди. Деҳқонлар хавотирга тушиб қолишди. Улар зора кўчатимиз тўлиқ бўлса деб, сув қуйишди. Буни қарангки, шу орада ҳаво бирданига совуб кетди. Эндигина униб чиқа бошлаган ниҳоллар илдиз чириш касалига дучор бўлиб, кун исиши билан қурий бошлади. Кўчат сийраклашиб қолди. Бу ҳол катта карвон ҳисобланган «Далварзин», «Деҳқонобод», Улуғбек номли хўжаликлар учун ғоят қимматга тушди. Улар шу сийрак ғўзалардан кўпроқ ҳосил олиш пайида бўлишди. Ва хатога йўл қўйишди. Кеч бўлишига қарамай, ўғит беришди. Тупларда кўсак кўпайгандек бўлди-ю, бироқ, бу кўсакларни пишириб олиб, ҳосилни териб олиш кечикиб кетди.

Янгийўл, Пискент туманларида ҳам ана шундай хатоларга йўл қўйилди. Янгийўлда пахта майдонларининг асосий қисми баҳорда ҳайдалиб, чигит экилганлиги бу туманда пахта ҳосилдорлигининг кўнгилдагидек бўлмаганлигининг асосий сабабларидан биридир.

_ Сиз узоқ йиллардан буён пахтачилик соҳасида, турли лавозимларда фаолият кўрсатиб келяпсиз. Йирик мутахассис сифатида бу соҳанинг истиқболини бугунги кунда қандай тасаввур қиласиз?

_ Деҳқонларимиз пахта етиштиришнинг ҳақиқий «сир-асрор»ларини билмайдилар, дейишга асло ҳаққимиз йўқ. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, биз 60-йиллардан бошлаб, то шу кунгача пахтачиликдаги энг оғир юмушларни механизация зиммасига юклашни даъват этиб келдик. Бу соҳада шу йиллар давомида улкан ишлар амалга оширилди. Даъватимиз ва биз тутган йўл тўғри эканлигини амалда исботлаганмиз. Қолаверса, айрим мутасаддиларнинг нотўғри тушунчалари туфайли асоссиз равишда ёмон отлиққа чиқариб қўйилган Тошкент технологиясининг туб моҳиятини механизация ташкил этади-ку! Бу технологияни қўлланишга узоқ йил амал қилинди. Ва у бизга шуҳрат келтирди. Афсуски, кейинги 2-3 йил ичида техникалар эскириб қолганлиги, янгисини сотиб олиш имконияти бўлмаганлиги, бунинг устига эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли, биз терим техникаларини мавсумга ўз вақтида ва тўла шай қилолмадик, доғда қолдик.

Биз бундан буён механизациядан асло юз ўгирмаймиз. Сабабки, вилоятимиздаги 117 та пахтачилик хўжалигидан 81 таси режани бажарган экан, бу ютуққа, аввало, техникадан унумли фойдаланилганлиги туфайли эришилди, деб ўйлайман. Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон», Султон Сегизбоев номли жамоа хўжаликларида етиштирилган пахта ҳосилининг 80 фоизи машиналарда териб олинганлиги бунга мисолдир. Ахир бир вақтлари раҳбарларимиз механик-ҳайдовчилар, механизаторлар бизнинг биринчи ёрдамчиларимиз, деб бекорга айтишмаганди. Назаримда бугунги кунда биз бу анъанани унутаёзгандекмиз. Ёрдамчиларимизга эътиборни бир оз сусайтириб юборгандекмиз. Модомики эндиликда пахтачиликдаги, умуман қишлоқ хўжалигидаги аввалги шуҳратимизни қайта тиклашимизга астойдил бел боғлаган эканмиз, мавжуд имкониятларни тўла ишга солишимиз, хўжаликларнинг техника қувватини оширишимиз зарур. Бунинг учун имконият қидиришимиз, изланишимиз керак. Хўжаликларда олинадиган соф фойда, даромадларнинг бир қисмини қишлоқ аҳлининг ижтимоий аҳволини яхшилашга сарф қилсак, бир қисмини зарур қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олишга ишлатиш керак. Тўғри, ҳозир бирданига машина паркларини янгилашга маблағимиз етишмайди. Шунинг учун ҳам бор техникаларни таъмирлаб, созлаб қўйишимиз, шу кундан бошлаб бу ишни қаттиқ назоратга олиб, экиш мавсумига тайёрлаб қўйишимиз керак бўлади.

_ Энди ана шу айтилганлардан келиб чиқиб, келгусида етакчи тармоқ пахтачилик, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам йўл қўйилган камчиликлар, хатолар, албатта, тузатилади, муаммолар ҳал этилади, дейлик. Бунинг учун хўжаликни юритиш ва бошқаришда ишлаб чиқаришнинг қандай усулларидан кенгроқ фойдаланган маъқул?

_ Менимча, бу ерда гап хўжаликни юритишнинг шаклида эмас, мазмунидадир. Меҳнатни ташкил этишнинг ижарачиликми, пудрат усулими, ширкат уюшмасими, фермерчилик ҳаракатими, ҳиссадорлик уюшмасими, қандай бўлишидан қатъий назар, энг муҳими, мўлжални тўғри ола билиш даркор. Шунга эришиш керакки, ишни ташкил этиш жараёнида пировард натижа салмоқли бўлсин! Ана шунда меҳнат аҳлининг манфаатдорлиги муҳим ўрин эгаллайди. Демак, шу йўл билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштиришга эришилади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, дастлабки пайтларда айримлар мустақилликни нотўғри тушундилар. Лекин, мустақиллик _ бу ўзбошимчалик эмас-ку! Мана, масалан, Қуйичирчиқ туманидаги собиқ Свердлов номли (ҳозир Улуғбек номли) жамоа хўжалигини олиб кўрайлик. Бир вақтлари у вилоятимиздаги машҳур, машъал хўжаликларидан бири ҳисобланарди. Ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини биринчилар қаторида бажарарди. Иқтисодий жиҳатдан бақувват эди. Олинадиган даромаднинг маълум бир қисми қишлоқларни ободонлаштиришга сарфланган эди. Шу десангиз, ана шу хўжалик «демократия» тарафдорларининг талаби билан уч қисмга _ уч хўжаликка бўлиниб кетди. Ҳар бирининг экин майдони нари борса 300_350 гектарни ташкил этар эди. Лекин, бошқарув тизимида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Аввалги йириқ хўжаликда қандай штат бўлса, уларда ҳам деярли шу штатлар сақланиб қолаверди. Раис, раис ўринбосари, бош бухгалтер, бош экономист, бош зоотехник ва ҳоказо. Оқибат нима бўлди денг, қўйчивон кўпайиб кетгандан кейин қўйларнинг аҳволи қандай ночор бўлиб қолган бўлса, бу хўжаликларда ҳам ана шундай вазият рўй берди. Раҳбарлар, корчалонлар кўпайди. Техника ва хўжаликнинг асосий воситалари талон-тарожга учради. Иқтисодий инқироз рўй берди. 1994 йилда уч хўжалик қайтадан бирлаштирилди. Буни қарангки, бир йилнинг ўзидаёқ у қаддини ростлади. Режани бажарди. Бунга ўхшаш асоссиз ажралишлар, бўлинишлар Бўка, Оққўрғон туманларида ҳам содир бўлди.

Демоқчиманки, раҳбарлик услуби қандай бўлишидан қатъий назар тош-тарозини замонага қараб қўйиш керак. Қишлоқ меҳнаткаши ўзини эркин сезсин. Ерга эгалик ҳиссини амалда туйсин. Мулкдор бўлсин, хусусийлашгач, унинг самарасини ўзи кўриб-билиб турсин. Ана шунда у ўз иқтидори, қобилиятини тўла ишга солади.

_ Шу ўринда фермерчилик ҳаракати ҳақида нималар дея оласиз?

_ Вилоятимизда 2000 га яқин фермер хўжалиги бор. Улардан 1348 таси мустақил фермер хўжалиги сифатида иш кўряпти. Фермерларга жами 27,5 минг гектар ер ажратиб берилган. Юқоричирчиқ туманидаги жуда кўп фермерлар, Ўртачирчиқ туманидаги хусусийлаштирилган фермалар ҳозирги кун талаблари даражасида меҳнат қилмоқдалар. Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга эришмоқдалар. Лекин, шу билан бирга ердан яхши фойдаланмаётган, умрини бекорга ўтказаётган фермерлар ҳам йўқ эмас. Чунки, биз бошида фермерларни танлаш, тайинлашда янглишдик. Айрим ҳолларда кўра била туриб Президент фармонларининг суистеъмол қилинишига йўл қўйдик. Эндиликда бу хатони тузатмасак бўлмайди.

_ Фермерлар билан учрашиб қолганимизда улар бизга кичик-кичик техникалар керак, дейишади.

_ Бу гапда жон бор. Қани энди шундай техникалар бўлса. Лекин, ҳозирча у йўқ. Нима, қўл қовуштириб қараб туриш керакми? Тадбиркор фермерлар иложини қилишяпти-ку. Улар ота-боболаримизнинг удумларини қайта тиклашяпти. От-уловлардан фойдаланишяпти. Мосламалар яратиб, ер ҳайдашяпти, экинга ишлов беришяпти. Афсуски бундайлар озчиликни ташкил этади. Уларнинг сафини кенгайтириш керак.

_ Қишлоқ хўжалигида унумли меҳнат қиладиган одамларнинг ишлагани маъқул. Бу ҳақда кўп айтяпмиз. Шундан келиб чиқиб, бир масалага аниқлик киритсак. Дейлик, бир жамоанинг 100 гектар ери бор. У ерда 50-60 одам меҳнат қилади. Уларнинг тирикчилиги ҳозирча фақат ана шу ер билан боғлиқ бўлиб турибди. Лекин, бу боғлиқлик абадий бўлмайди-ку! Табиийки, туғилиш, ўсиш, улғайиш дегандек, бу одамларнинг сони кўпайиб боради. Иморат қурилади, бошқа мақсадларга ер ажратилади. Хўш, унда ана шу инсонларнинг тирикчилиги нима билан ўтиши керак?

_ Аввало, ернинг самарадорлигини ошириш устида ишлаш керак бўлади. Пахта билан ғаллани алмашлаб экишни, албатта, йўлга қўйиш зарур. Ғалладан бўшаган ерларга такрорий озуқа экинлари, сабзавот, картошка экинлари экиш керак. Очиғини айтганда айрим боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланадиган жамоалар, уюшмалар, хўжаликларда боғлардан олинаётган ҳосил сира ҳам қаноатланарли эмас. Чунки, улар боғдорчилик, узумчилик агротехникасига эътибор бермайдилар. Бу ҳам майлия, етиштирилган мева-чеванинг бир қисми вақтида йиғиб-териб олинмайди, тўкилади, тагида қолиб, ириб-чириб, нобуд бўлади. Қурт-қумурсқага, хашаротга ем бўлади, йиғиб-териб олингани яхши сақланмайди. Оқибатда шундай хўжаликлар борки, 50-60 гектар боғи, узуми, мевазори бўла туриб, зарур бўлиб қолганда, бозордан нақд пулга мева-чева сотиб оладилар. Қани бу ерда боғбоннинг ғурури? Бу ҳолни тўғри деб бўладими? Наҳотки, бу қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ташвишга солмаса? Мен бу ҳақда ўйлаганимда Бўка туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги, Кўкорол худудидаги боғ-роғларни, Бекобод туманидаги мевазорларни кўз ўнгимга келтираман.

Бу масаланинг бир томони, иккинчидан, ўша жамоадаги одамларни бошқа ишларга жалб этиш, бунинг учун эса ўша хўжаликда, ўша худудда унчалик катта бўлмаган, кўпи билан 20-30-40 киши ишлайдиган кичик-кичик корхоналар, маҳсулотни қайта ишлайдиган цехларни қуриш, маиший хизмат кўрсатадиган тармоқларни ишга тушириш ғоят муҳимдир. Ана шунда ўз-ўзидан саноатнинг қишлоққа кириб келиши тезлашади. Одамларнинг маълум бир қисми иш билан таъмин этилади. Бу икки томонлама фойдалидир. Деҳқон ўзи етиштирган ҳосилининг тайёр маҳсулотидан ҳам бахраманд бўлади. Бунинг оқибатида даромади кўпаяди, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун ҳам имконият яратилади. Буларга амалга оширилдиган бошқа тадбирларни ҳам қўшадиган бўлсак, иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш билан чинакамига шуғулланган бўламиз.

_ Табиийки, бу кўп жиҳатдан раҳбарларга боғлиқ.

_ Бўлмасамчи, афсуски бу соҳада ҳам бирмунча хатоларга йўл қўйилди. Кейинги 3-4 йил ичида раҳбарларнинг қўнимсизлиги кўпайди. Айниқса, Чиноз, Янгийўл туманларида ҳали бир йил ишлаб улгурмаган хўжалик раҳбарлари алмашди. Энди савол туғилади. Уларни танлаб, шу лавозимга қўйган мутасадди раҳбарлар нимани ўйлашди экан? Нима учун улар ана шу раҳбар бундан кейин бу соҳада ишлаб кета оладими, Халқ билан тил топиша оладими, деб чуқур ўйлашмади. Халқда мақол бор: «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган. Нега энди хўжалик юритишга қишлоқ хўжалигига мутлақо алоқаси бўлмаган, мутахассислиги йўқ кадрлар тайинланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз сессияда бу ҳақда жиддий эътироз билдирдилар. Иқтисодий ислоҳотларнинг тақдири, самараси, табиийки, ҳокимлар, хўжалик раҳбарларининг савияси, инсофи, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Мен ўйлайманки, мутасаддиларимиз, хўжалик раҳбарлари бу танқиддан сабоқ олиб, тўғри хулоса чиқарадилар. Ана шундагина қишлоқ хўжалигимизнинг илгариги мавқеини, шуҳратини тиклашга эришиш мумкин.

Суҳбатдош Н. РИҲСИЕВ.

• *Меросимизни ўрганамиз*

ТАБИАТ ҚОНУНИ

Абу Райҳон Беруний ҳаётидан лавҳалар

Муҳаммаднинг кўнгли беҳузур бўлиб, йиқилишига оз қолди. Уни ер юзига суяб олиб чиқишди. Қуёшнинг илиқ нури Муҳаммаднинг танини ёқимли қитиқлаб, унга тетиклик берди. Муҳаммад майса устига думалаб, уни ўпди. Юзини қуёш нурига тутиб, ўпкаси тўлгунча нафас олди.

— Ер остидагилар кимлар? — деб сўради у ёнига тиз чўккан Фарруҳдан.

— Улар қуллардур, ҳазрат, — деди Фарруҳ.

— Эй, инсонлар, Оллоҳдан кўрқинг! — деди Муҳаммад бироз жимликдан кейин, худди ўзига-ўзи гапираётгандек, —Онд бўлсин холига кимки бир мўминнинг жонига зулм айласа. Қиёмат куни Оллоҳ ундан мутлақ интиқом олажакдур, — сўнгра Фарруҳга мурожаат қилиб деди: — Ахир улар Оллоҳ томонидан яратилган, унинг бандасидир. Уларга бунчалик зулм этмак буюк гуноҳдир.

— Кон ишлари азалдан қуллар меҳнатидир, ҳазрат, — деди Фарруҳ гуноҳкорона бошини эгиб, гўё бунда у айбдордек. — Бул азобга уларни ҳукмдор йўллаган. Мен чорасиз бир мухандисмен.

— Мусулмон мусулмонга қардошдир, на зулм этар унга ва ёки ёлғиз қўяр, уни, — деди Муҳаммад кўзи ёшланиб. — Қардошининг ихтиёжини ўтаган кимсанинг ихтиёжини Оллоҳ ўтаяжак. Ким бир мусулмоннинг дардини енгиллаштирса, Оллоҳ-таоло қиёмат кунида ул одамнинг гуноҳини енгиллаштирур, албат. Ким бир мусулмонга айб юкласа, қиёмат кунида Оллоҳ ҳам унга айб юклайди... — орадан ўтган бироз жимликдан сўнг Муҳаммад қатъий қилиб деди: — Мен бул бечораларнинг меҳнатини енгиллаштирувга аҳд қилдим. Бунда Оллоҳ менга мададкор бўлгай!

— Иншооллоҳ шундай! — деб Фарруҳ юзига фотиҳа тортди. — Шул бечораларнинг азобини енгиллатмақ, уларга бироз бўлсада меҳрибончилик қилиш менинг ҳам муддаоимдир.

Бу гапни чин қалбидан, фиғон билан айтган Фарруҳга қараб Муҳаммаднинг алами бироз енгиллашди, юраги таскин топди, юзига табассум югурди. Улар биринкетин ўрниларидан туришди.

— Кон тевараги кўздан кечирурмен, — деди Муҳаммад, уни кузатиб юришга шайланган Фарруҳга астагина бир мусулмонга ўхшаб, — Ер остидаги ким, — деди Фарруҳ ва унинг атрофига тўпланган уч-тўрт ишчи олимнинг ортидан ҳавас ва ҳурмат билан қараб қолишди.

— Ўзи фазилатли, сўзлари маънилидир, — деди тўпланганлардан бири. Фарруҳ на эътироз билдириб, сўнгра унинг елкасига қўл ташлаб, деди: — Оллоҳ ул одамни ҳимоясига олиб, жаннатга даҳил этарки, ул одамда шундай учта кайфият бўлса, — деди Муҳаммад ва бармоқларини букиб, гапида давом этди. — Заиф одамга меҳрибончилик, волидаларидекларга шафқат кўрсатмаклик ва тобеъликда бўлганларга яхшилик қилмоқ.

Шуларни айтиб Муҳаммад ўтлоғ оралаб, атрофни айлангани кетди. Фарруҳ ва унинг атрофига тўпланган уч-тўрт ишчи олимнинг ортидан ҳавас ва ҳурмат билан қараб қолишди.

— Ўзи фазилатли, сўзлари маънилидир, — деди тўпланганлардан бири. Фарруҳ нуридир.

***

Муҳаммаднинг бир неча куни меҳнатда, тунлари эса хаёллар ва ўйлар билан ўтди. Кундузлари у лойдан ва сополлардан турли қувурлар ясаб, тажрибалар ва чизмалар чизиб, ҳисоб қилар, кечалари эса ўринда тинч ётаолмай, ҳар хил фикрлар билан банд бўларди. Чарчаб, тонгга яқин кўзи уйқуга толганида бўлса, кон муаммолари тушида ҳам тинчлик бермасди. Ниҳоят бир кун, саҳар номозидан сўнг, у Фарруҳга бир чизма узатди. Чизмани очиб кўрган Фарруҳ дастлаб тасвирларга унча тушунолмади. Буни сезган Муҳаммад:

— Коннинг чуқур йўлакларига шамол етиши учун, — деди у чизмани ёйиб, ундаги суврат ва белгиларни кўрсатиб, — яна битта қудуқ кавламоқ даркор. Бу икки қудуқ бир-бири билан ҳар қатда йўлаклар орқали учрашган бўлиши шарт. Яна, шамол йўлидаги биринчи қудуқ усти тақа тусидаги тўсиқ билан ўралади. Шунда эсаётган шамол бул тўсиққа келиб тўпланади. Тўпланган шамолнинг қудуқ ичига кирмай иложи йўқ.

— Иккинчи қудуқ нечундир? — елка қисди Фарруҳ.

— Ҳамма гап шундаким, — деди Муҳаммад мамнуният билан жилмайиб ва гапида давом этди. — Бу қудуқ тўсиқ ортидан эллик қадам ташлаб, қазилмоғи зарур. Шамолнинг йўли биринчи қудуқ устида тўсилган бўлганлиги учун, тўсиқ ортида маълум миқдорда ҳаво бўшлиғи пайдо бўлади. Бу бўшлиқни албатта янги шамол эгаллаши керак. Аммо шамол йўли тўсиқ.

Беруний савол бергандек Фарруҳга қаради.

— Шамол тўсиқ ортига йўналур, — деди иккиланиб Фарруҳ.

— Шамол қайдин йўналур?

— Чўл ёқдин, тақсир.

— Асло! Ул ёқдан шамол эсаолмас. Шамолнинг бош йўналиши ягонадур ва ўзгармас бўлур. Бул шамол йўлини биз биринчи қудуқ устида баланд тўсиқ билан тўсдик, — деди Муҳаммад ва бу масалада Фарруҳнинг ҳали ожиз эканлигини билиб, ўзи гапида давом этди. — Тўсиқ ортидаги бўшлиқни, иккинчи қудуқ ичидаги шамол эгаллашга интилади. Натижада иккинчи қудуқ ичи шамолдан бўшайди. Пайдо бўлган бу бўшлиқни биринчи қудуқдан кирган шамол эгаллайди. Бу олмашув узлуксиз бўлиб, унинг тезлиги ер устидаги шамол қатламининг тезлигига боғликдир.

Фарруҳ масала мағзига энди тушуниб, қувонганидан кўзлари ёшланди.

— Бу табиатнинг аниқ қонунидир, — гапида давом қилди Муҳаммад. — Табиатда бўшлиқ пайдо бўлса, уни кимдир дарҳол банд этур. Бўшлиқни эгаллашда энг омилкори сув билан ҳаво эрур.

Беруийнинг топган бу кашфиёти конларни табиий шамоллатиш усулини яратиб, кон қазиш ишларининг чуқурлигини ўша даврда уч юз қулочгача пастга етишини таъмин қилди.

А. АЗИМОВ.

Давоми. Боши газетанинг авваги сонларида.

УСТАНИНГ БАХТИ

Машҳур ганчкор уста, Ўзбекистон халқ рассоми, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маҳмуд Усмонов 85 ёшга тўлди. Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида ана шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг Маҳмуд ота Усмоновга табаррук ёши билан қутлаб йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ҳ. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Тадбирнинг мазкур саройда ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор. Бинога ишланган ранго-ранг нақшлар уста ва унинг шогирдлари меҳнати маҳсулидир. Шунингдек, Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида, Алишер Навоий, Ҳамза, Муқимий номидаги театрларда, метро бекатларида, мамлакатимиздаги бошқа кўплаб биноларда ота қўлларининг нурли изи бор. Унинг юзлаб шогирдлари ноёб ҳунарни эъзозлаб, юртимиз довруғини бутун жаҳонга таратмоқдалар.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Маҳмуд Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати, бетакрор санъати муносиб тақдирланди. У мамлакатимизнинг юксак унвон ва мукофотларига сазовор бўлди.

Маҳмуд отанинг тантанада сўзга чиққан дўстлари, шогирдлари, санъат муҳлислари уни қутлуғ кун билан муборакбод этиб, эл-юрт олдидаги улкан хизмати, меҳнат билан топган иззати — устанинг бахтидан сўзладилар.

(ЎзА).

***

Суратда: Маҳмуд ота Усмоновни шарафлаш пайти.

Ҳ.СОПИҲОВ олган сурат.

Ҳар тўғрида

ҲОЗИР НЕЧАНЧИ ЙИЛ?

Қизиқ савол-ку! 1994 йил билан хайрлашиб янги йилни бошлаганимизга 25 кун бўлди. Буёғи XX аср охирлаб боряпти. 5 йилдан сўнг XXI асрга қадам қўямиз. Шундай: Оврупо, Америка қитъалари, шунингдек Осиёдаги бир неча мамлакатдагина ана шу ҳисоб билан — Григорьян тақвими билан яшаб келинмоқда. Аммо бир қатор мамлакатларда бошқача йил ҳисобига амал қилинади. Диний байрамлар ва маросимларни нишонлашда кўпгина мусулмон мамлакатлари, жумладан Жазоир, Қувайт, Миср, Ливан, Ливия, Саудия Арабистони, Индонезия ва бошқа жойларда Ой тақвимидан фойдаланилади. Улар 31 майда янги 1416 йилни кутиб оладилар. Эрон, Покистон, Афғонистон ва бошқа мусулмон мамлакатлари Қуёш тақвимига кўра 21 март куни янги йилни нишонлайдилар. Шу куни 1375 йил киради.

Яҳудийларнинг янги, 5756 йили сентябрда киради. Февраль ойининг ўртасида хитойлар Баҳор байрамини нишонлашади. Бу уларда Янги йил байрами ҳисобланади. Бу подшо Хуан Ди ҳукмронлиги бошланганидан ҳисобланадиган бўлса 4632 йил бўлади, ёки император Яо тахтга ўтирган вақтдан ҳисоб қилинса 4352 йил бўлади.

Тақвимларнинг хилма-хиллиги ҳиндларда янги йил киришини бир неча бор нишонлаш имконини беради. Чунончи мамлакат шимолида сарбат тақвими бўйича апрель ойида 2052 йил бошланади, 21-22 март куни эса ягона фуқаро тақвими Сак бўйича 1917 йил бошланади.

Февраль ойида Калиюг эрасининг 5097 йилини ёки будда эрасининг 2538 йилини нишонлаш мумкин. Православ черкови бўйича эса 1 сентябрда дунё яралганига 7503 йил бўлади.

Табиийки, тақвимларнинг бу қадар хилма-хиллиги, халқларнинг ўзаро алоқаларида кўп қийинчиликлар туғдирмоқда. Бироқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳон бўйича ягона йил ҳисобини жорий этиш ҳақидаги ҳамма уринишлари ҳозирча турли диний ташкилотларнинг тўсқинлигига учраб турибди.

БУТУН ВИЛОЯТ ИЗЛАДИ

• УРАЛЛИКЛАР дастлаб НУЖнинг учишини бундан 80 йил илгари кузатган эканлар. Курганлик ўлкашунос В. Машкин шундан далолат берувчи ҳужжатни топди.

Бу ошиғич телеграмма 1914 йилнинг охирида Шадрин уездига Пермь губернатори томонидан юборилганди. Унда хабар берилишича, ҳар куни соат 10 дан 11 гача Пермь устида электр билан ёритилган аэроплан пайдо бўларкан. Шундай бўлгач полиция, ўрмон қўриқчилари, овчи эркаклар бутун губерния бўйлаб барча овлоқ ўрмон жойларини ва чакалакзорларни текширганлар. Узоқ вақт қидирганларига қарамай, махфий аэродром топилмади. Империянинг ғарбий чегараларидан бирорта ҳам тайёра бу ерга учиб келаолмаслигини ҳисобга олиб, бу воқеа ғаройиб ва тушунтириб бўлмайдиган воқеалар қаторига қўшилган эди.

МАРШАЛНИНГ СЎНГГИ ЧЎМИЛИШИ

• СОБИҚ СССРнинг собиқ мудофаа вазири маршал Устиновнинг вафот этиши сабаби билан боғлиқ бўлган қизиқ бир воқеа содир бўлганлиги ҳақидаги маълумотни Запорожьеда нашр этиладиган ёшлар газетасига махсус хизмат кўрсатишга мўлжалланган «Гриф» сайр қилиш катерининг собиқ ошпази Андрей Н. хабар қилган.

1984 йилнинг кузи эди. Пицундада дам олаётган Устинов «Гриф» кемасидан фойдаланарди. Ноябрь кунларининг бирида кема бўйича навбатчи қилиб тайинланган ошпаз бу воқеанинг гувоҳи бўлган. Маршал денгиз фонида суратга тушмоқчи бўлиб, кема тутқичининг трап туширилиадиган эшиклари бўлган жойига суянган. Кимнингдир айби билан эшикдаги илмоқ солинмаган экан. Оқибатда мудофаа вазири денгизга қулаб тушган. Андрей унга қутқариш доирасини ташлаган ва «одам бортдан ташқарида» сигналини берган. Маршални дарҳол катерга олиб чиқишди, бироқ совуқ сувда мажбурий чўмилишнинг асорати қолди. У икки томонлама зотилжам бўлиб қолди ва касални енголмади.

ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

Тошкент вилояти ҳудудида уй-жой, дўконлар, бозорчалар, қуриш учун ер участкаларини ким ошди савдолари орқали

СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Шу билан бирга шахсий уйлар ва дала ҳовлилари жойлашган ер участкаларини сотади.

Маълумотлар учун Тошкент шаҳрида 33-24-28 рақамли телефонга ва шаҳар, туман ҳусусийлаштириш бўлимларига мурожаат этинг!

1994 йилда 138-ўрта мактаб томонидан Ҳолмуҳамедов Фарҳод Тоғоновичга берилган А № 432385 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Галабанинг 50 йиллиги олдидан

ТАРИХНИНГ «КЎЗМУНЧОҒ»И

70-йиллар охири эди. «Тинчлик» (собиқ «Коммунизм») жамоа хўжалигининг раиси Маҳмуд Исматов хўжалик фаолларини йиғиб, жамоа хўжалиги тузилганлигининг 50 йиллиги олдидан хўжалик тарихини ёритувчи музей ташкил этишни таклиф қилди. Таклиф жамоага маъқул бўлиб, музей учун экспонат йиғишга киришилди. Қисқа вақт ичида хўжалик фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари кўмагида анча-мунча экспонат йиғилди. Бу ишнинг бошида халқ маорифи аълочиси, хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Шермат ака Бекмуродов турди.

Музей 1980 йили хўжалик ўзининг 50 йиллик тантаналарида эшик очди. Бу ерда каттагина меҳнат эвазига мингминглаб тенгсиз ва беқиёс суратлар, ҳужжатлар, ашёлар тўпланганди. Музей бир неча бўлимдан иборат бўлиб, Ватан уруши даври музейнинг асосий бўлими ҳисобланади.

1418 кеча-кундуз давом этган уруш бу хўжаликни ҳам четлаб ўтмади. Хўжаликнинг 1200 нафар фарзанди фронтга кетди. Фронт ортидаги «иккинчи фронтда» курашаётганлар ҳам саноксиз эди. Ҳали ўн ғулидан бир гули очилмаган 320 азамат жанг майдонларидан қайтмади. Уларнинг ота-оналари, ёру-биродарлари фарёд уриб қолавердилар. Биргина Бекматовлар оиласидан беш ўғлон фронтга кетиб, биргина Шерматжон оғир ярадор бўлиб қайтди, холос. Усмоновлар оиласидан кетган уч нафар фарзанд ҳам, Тиллахўжаевлар оиласидан икки нафар йигитга жангдан қайтиш насиб этмади. Бундай оилалар сон-саноқсиз. Уларнинг барчаси ҳозирги тинчтотув ҳаётимиз учун ширин жонларини қурбон қилдилар. Хўжалик марказида шаҳидлар хотирасига салобатли ёдгорлик ўрнатилди.

Маълумки, уруш бошлангач, эркакларнинг деярли ҳаммаси фронтга кетган, хўжаликни юритиш кексаларга, аёлларга ва болаларга қолди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори остида барча меҳнат қилган. Шу билан бирга жамоа аъзолари фронтга кўплаб кийим-бош ва озиқ-овқат юборишган. Жумладан, 10 дона машина, 600 та от, 80 тонна емхашак (сули, арпа), 200 тонна ун, 300 тонна лавлаги, 60 тонна ёғ (пахта), 400 тонна пиёз, 400 тонна картошка, 100 тонна сабзи, 15,6 тонна жийда, 20 тонна туршак, 12 тонна шафтоли қоқи, 30 тонна олма, 60 тонна узум, 110 тонна қовун-тарвуз, 950 та фуфайка (шими билан), 400 та жун кўйлак, 350 жуфт жун пайпоқ, 630 жуфт кўлқоп жўнатилган.

Музей директори Ш. Бекмедов ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб махсус бурчак ташкил этиш ҳаракатида юрган эди. Бироқ шафқатсиз ўлим хайрли ва савобли ишни қилишга ҳалал берди. Ҳозир бу ишни унинг сафдоши, собиқ ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Абдулла Сайдалиев ўз зиммасига олган.

Хўжалик тарих музейи эшиги доимо очиқ. Музейга келганлар орасида хорижлик меҳмонларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Америка ва Африкадан, Англия, Франция, Германия, Польша, Болгария, Япония каби давлатлардан ташриф буюрган нуфузли меҳмонлар музей кундалик дафтарига дастхатлар ёзиб қолдирганлар.

Мазкур маскан Янгийўл, Чиноз ва Зангиота туманларида эътиборга лойиқ ягона музей ҳисобланиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Ўтмишдаги ўзбеклар ҳаётидан ҳикоя қилувчи залга ҳам минглаб меҳнаткашларнинг қадами етган.

Йиллар ўтаверади... Йиллар тўзони бу музей қадрини оширса ошираверадики, сира камайтирмайди. Келажак авлодларимиз ҳам ота-боболаримизнинг кўрсатган жасоратларини ўрганиб толмайдилар. Зеро, ўз тарихидан кўз юмган халқ келажагини асло ярата олмагай!

А. АЛИМОВ.

Саломатлик — туман бойлик

АЛЛЕРГИЯ МАРКАЗИНИНГ ЯНГИЛИГИ

Тошкентдаги ихтисослашган аллергия марказида нафас қисиш касалига учраган беморларда аллергияни даволашнинг янги самарали усули ишлаб чиқилди. Бу усул жаҳон амалиётида биринчи бор қўлланилмоқда. Шифохонадаги кузатишлар шуни кўрсатдики, илгари аллергия касалликларини даволашда қўлланилмаган ацетилхолин бемор жисмига тиббиёт фанлари доктори, профессор С. Назаров ишлаб чиққан тартиб асосида маълум миқдорда юборилса, бемор тезда тузалади, ҳасталик белгилари бутунлай йўқолиб кетади. Мутахассислар илмий марказ таклиф этган усулга юқори баҳо бердилар. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти фаразларига қараганда, XXI асрда аллергия касалликларининг кўпайиши кутилади. Шунинг учун ҳам Тошкентда ишлаб чиқилган усулнинг аҳамияти каттадир.

***

БОЛА БОШИДАН

Тошкентдаги Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти 112-умумий таълим мактаби билан ҳамкорликда кун сайин кескин тус олиб бораётган экология муаммоларини ҳал этиш йўлларини кидира бошлади. Республикада биринчи марта мактабда ҳозирги ўқув йилида тажриба тариқасида экология йўналишида таълим бериладиган учта синф очилди. Бу синфларда ўқийдиган ўқувчилар мактабни битиргач, шаҳодатнома билан бирга химик, биолог, эколог, токсиколог, лаборант малакасини эгаллагани тўғрисида гувоҳнома олади. «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти, профессор Ю.Шодиметов, Р.Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори академик М.Мирзаев, шаҳар халқ таълими тизими раҳбарлари ўқувчилар ҳузурида меҳмон бўлдилар. Учрашувда экология таълимининг долзарблиги, ихтисослаштирилган синфларни битирувчилар иштирокида ҳал этиладиган муаммоларнинг ҳаётий муҳимлиги тўғрисида жиддий гап борди.

ЎзА мухбири.

УЗОҚ УМР КЎРАЙ ДЕСАНГИЗ...

• Одамнинг биринчи бахт-саодати, шодлиги — унинг соғлигидир. Жаҳлини босолган, жиноятдан сақланган, бугунги ишини эртага қолдирмаган, айш-ишратга, чекиш ва ичишга берилмаган одам бахтли бўлади ва узоқ яшайди.

Абу Али Ибн Сино.

* * *

• Асабни сақлайдиган асосий омил — тинчлик, хотиржамликдир. Емирилаётган асабни яхши хордиқ, ширин уйқу ва самимий кулгу сақлаб қолади.

Абу Бакр Розий.

* * *

• Оз овқат одамни боқур, кўп овқат касални боқур.

Абу Райҳон Беруний.

* * *

• Сиҳат тиласанг белингни иссиқ тут, бошингни салқин ва қорнингни очроқ тут.

А. В. Суворов.

* * *

• Тўқ қоринга овқат еган одам тиши билан ўзига ўзи қабр қазийди.

Турк мақоли.

* * *

• Тунги уйқуни кундузига алмаштириш ҳикматдан эмас.

Кайковус.

* * *

• Бадан тарбияси билан мўътадил ва узоқ вақт шуғулланувчи киши табибларнинг давосига муҳтож бўлмайди.

Абу Али Ибн Сино.

* * *

• Жисмоний тарбия одамнинг ёшини узайтиради.

Ж. Локк.

* * *

• Кўп ейиш — очликдан кўра зиёнлироқдир.

Халқ ҳикмати.

Узоқ умр кўриш ҳақидаги ушбу фойдали фикрларни 94 ёшли отахон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, хизмат кўрсатган ўқитувчи Раҳимжон ОТАЖОНОВ тўплаб юборганлар.

ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ВИЛОЯТИМИЗДА ҳамон уй шароитида тайёрланган консерваларнинг технологиясини яхши билмаслик оқибатида ботулизм — захарланиш касаллиги рўй бериб турипти. 1993 йил давомида 22 киши бу оғир дардни бошидан кечирди. Ўтган йилнинг 10 ойи мобайнида огоҳлантиришлар туфайли бу кўрсаткич бирмунча камайган бўлса-да, лекин захарланган кишиларда у оғир ўтди. Айниқса, Олмалиқ шаҳри, Янгийўл, Зангиота туманларида бундай ҳолат кузатилди. Чала дудланган балиқ, уй шароитида тайёрланган консерваланган помидорларни истеъмол қилиш оқибатида рўй берган бу дарддан беморлар шифокорларнинг тинимсиз кураши туфайлигина ҳоли бўлдилар.

Хўш, касаллик қандай пайдо бўлади?

Ботулизм таёқчалари балиқ, гўштларнинг қалин мушаклари жойларида, яхши қайнатилмаган консерваларда ривож топиб, ўзидан захар ажратиб чиқаради. Захарлар ҳосил бўлганлигини консерва банкалари ёки шиша идишлардаги қопқоқнинг кўтарилиб қолишидан билса бўлади. Бундай консерваларнинг ранги хиралашиб, ачигансифат ҳолатга киради. Уни билмай истеъмол қилинса, узоғи билан 6 соат ичида касаллик бошланади. Захар қонга, ошқозон-ичак йўллари орқали сўрилиб, бош мия тўқималари ён асаб қисмининг ҳаракат бўлимларини зарарлайди, шунингдек бу томирларга ҳам зарар етказади.

Касалликка чалинган одамда ҳаракат сусаяди, мускуллар бўшашади, бош айланиб, оғрийди, иштаҳа йўқолади, оғиз бўшлиғи қуриб, чанқоқ пайдо бўлади, кўнгил айнийди. Асаб касаллиги белгилари юзага чиқади. Бемор кўзига буюмлар иккита бўлиб кўринади. Кўз қорачиғи тартибсиз кенгайиб, хиралашади. Сўзларини англаб бўлмайди. Юздаги асаб толаларида узилишлар рўй бера бошлайди. Охири хасталик оғирлашиб нафас қисади ва шу тахлитда бемор ҳалок бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фақат ўз вақтида шифокорга мурожаат қилишгина беморни бундай оғир ҳолатлардан қутқариб қолади. Шунинг учун бундай вазиятларда зудлик билан шифокорларга мурожаат қилиш шарт. Буни ҳар бир киши билиб олиши зарур.

Касалликка чалинмаслик учун уй шароитида тайёрланган консерваларни паст ҳароратли жойларда, ертўлаларда сақлаш керак. Маҳсулот хиралашган бўлса, уни истеъмол қилмаслик керак. Умуман, уй шароитида гўшт, балиқ, қўзиқоринлардан консерваланган маҳсулотлар тайёрлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур.

Ана шу талабларга риоя қилингандагина, хавфли дард — ботулизмнинг олдини олган бўласиз.

И. МАВЛОНОВ,
олий тоифали шифокор.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33–40–48 Эълонлар: 33–99–15, 32–57–27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон, берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0007. 18527 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6